

---

## Томорқа даромад манбаи

Қува тумани Фермер дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан туманда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, саримсоқпиёз етиштириш ҳамда сақлаш бўйича семинар ташкил этилди.

Бунда соҳа мутахассислари ва томорқачилар иштирок этишди.

Шунингдек семинарда Республика Фермерлар кенгаши бўлим бошлиғи Мехриддин ака ҳамда вилоят фермерлар кенгаши ўринбосари, туман кенгаши раиси ҳам катнашди.

Ушбу семинардан кўзланган мақсад фуқароларнинг ўз томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уларга амалий кўникма ва илмий асосланган билим бериш, фуқароларнинг ўз томорқасидан даромад олишдан иборатдир.

Иштирокчилар Олтинариқ МФЙ Олтинариқ кўчаси 187-уйда яшовчи фуқаро Раҳматжон Шомирзаев ҳонадонида бўлишиб томорқаларидан самарали фойдаланиш бўйича ҳолатни ўрганишди. Шомирзаевлар оиласи 10 сотих томорқадан ўтган йилнинг ўзида 65.0 млн сўмдан зиёд соф даромад қилган бўлиб, бу йил ундан ҳам икки баробар кўпроқ даромад олишни кўзлаб иш олиб боришмоқда.

2023-05-29 17:09:07